2014 йил 18 август, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 161 (12.722)

Баҳоси эркин нархда

## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2014 йил 19-20 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Хитой раҳбарияти билан учрашувлар чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи муҳокама этилиб, Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари бўйича атрофлича фикр алмашилади. Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқадилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Қўшма декларация қабул қилиш, Ўзбекистон ва Хитойнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга қаратилган ҳукуматлараро ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

*Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган.*
*Ислом КАРИМОВ*





*Дунёда таълим тизимига сарфланган маблағ, ҳеч қачон зое кетмайдиган сармоя, деб ҳисобланади. Таълим-тарбия тизими такомиллаша борган сайин одамларнинг маънавияти юксалаверади. Муҳтарам Президентимиз айтганидек, юксак маънавият – енгилмас куч. Шунинг учун юксак маънавият келажак пойдевори ҳисобланади.*






Истиқлол, Ислоҳот, Истиқбол

## ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ЁШЛАРИ

***Пойтахтимизда мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида анъанавий «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивали бўлиб ўтди.***

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиблари, халқаро олимпиадалар, турли спорт мусобақалари, танловлар ғолиблари, ижтимоий фаол ёшлар қатнашди.

Тадбир давомида ёшларни мамлакатимизнинг олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида ушбу органларга саёҳатлар ташкил этилиб, унинг доирасида иқтидорли ёшлардан «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасига таклифлар олинди.

«Баркамол авлод» республика болалар марказлари тарбияланувчиларининг Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан «Ватанимга менинг туҳфам» мавзусидаги ижодий ишлари кўргазмаси, энг улуғ, энг азиз байрамимизга бағишлаб ёш рассомлар, шоирлар ўртасида ўтказилган танловлар фестивалга янада кўтаринкилик бағишлади.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан учрашув ва «Камолот кутубхонаси» лойиҳаси доирасида «Юрт ифтихорлари» туркумида чоп этилган «Равшан Эрматов: энг кучли ФИФА рефериси» китобининг тақдимоти ўтказилди.

*(Давоми 3-бетда)*

## ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ:
# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

Юртимиз мустақилликка эришганидан кейин барча соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Зеро, жамият янги шахсни тарбиялашни талаб этаётган эди. Ахир, одамларнинг онгини, тушунчасини, билим савиясини ўзгартирмай, уни замонавийлаштирмай туриб қандай қилиб янги жамиятни барпо этиш мумкин?

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилнинг 29 августида **«Таълим тўғрисида»**ги қонун қабул қилинди. Шунингдек, кўлами, миқёси, қамрови ва мақсадлари бўйича ноёб **Кадрлар тайёрлаш миллий дастури** ҳам қабул қилинди. Бу икки ҳужжат ушбу муҳим соҳада чуқур ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Мамлакатимизда таълим тараққиёти шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ҳамда маданий эҳтиёжларини таминлайдиган устувор соҳа сифатида қонунан белгилаб қўйилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг янги механизми ишлаб чиқилди. Жумладан, 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Унинг биринчи босқичини 9 йиллик умумий ўрта таълим мактаби ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида қуйидаги уч тамойил илгари сурилган:

**«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.**

**Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.**

**Мактаб ишлари давлат назоратидадир».**

Биринчидан, бу модда асосида фарзанди 7 ёшга тўлган бирон-бир ота-она боласини мактабдан олиб қолиш ҳуқуқига эга эмас.

Иккинчидан, мамлакат миқёсида бепул умумий ўрта таълим мактаблари жорий этилган. Ҳатто, ақлан етук, аммо жисмонан заиф болалар учун уйда таълим олиш ташкил қилинади. Яъни у яшаётган ҳудуддаги мактаб ўқитувчилари шу биргина бола учун уйига бориб дарс беришади.

Учинчидан, барча мактаблар давлат тарафидан бунёд этилади, таъмирланади, реконструкция қилинади, унинг моддий-техника базаси яратиб берилади.

Демак, умумий ўрта таълим тўлиқ мажбурий ҳисобланади. Ундан кейин эса уч йиллик мажбурий-ихтиёрий таълим бошланади. Мажбурийлиги шундаки, умумий ўрта таълим мактабини битирганларнинг ҳаммаси яна уч йиллик ўрта махсус таълим муассасасида ўқийди. Ихтиёрийлиги шундаки, умумий ўрта таълим мактабини битирган ўқувчи энди бундан кейинги таълим йўналишини танлаш ҳуқуқига эга. Аввало, у академик лицейда ўқимоқчими ёки касб-ҳунар коллежидами, буни ўзи танлайди. Қолаверса, айнан қайси академик лицейда ёки айнан қайси касб-ҳунар коллежида ўқишини ҳам ўзи белгилайди.

Ўқишнинг бу иккинчи босқичи кадрларни дифференциациялаш имконини беради. Бундан кейин олий таълим муассасасида ўқишни истаётганлар академик лицейга боради. Муайян касб-ҳунар эгаси бўлишни орзу қилаётганлар эса касб-ҳунар коллежига ҳужжат топширади.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, ана шу уч йил мобайнида коллежда ўқиётганлар кўнглида ҳам олий таълим олиш фикри туғилса, марҳамат, касб-ҳунар коллежини битирганлик тўғрисидаги ҳужжат билан ҳам бакалавр йўналишидаги ҳар қандай ўқишга ҳужжат топшираверишИ мумкин. Академик лицейни битирганлар ҳам, касб-ҳунар коллежини битирганлар ҳам бакалавриатга бир хил талаб бўйича тест имтиҳонларини топширади.

Таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасида 2004 – 2009 йилларда ижроси таъминланган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Бу Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий давоми эди. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида амалда мамлакатимиздаги 10 мингга яқин умумий ўрта таълим мактабининг барчасининг ҳолати яхшиланди. Янги мактаблар қурилди, айримлари реконструкция қилинди, таъмирланди, барча мактабларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Шу тариқа мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам пойдевор яратилди. Бинобарин, истиқлол йилларида таълим тизимини тубдан янгилаб, уни замон талаблари даражасига кўтариш мамлакатимизда маънавий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этиб келяпти.

*(Давоми 2-бетда)*

**Ҳашар – элга ярашар**

## УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

### 16–17 август кунлари пойтахтимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди

***Айни кунларда мустақиллигимизнинг қутлуғ 23 йиллик байрами шукуҳи бутун республикамизда бўлгани каби пойтахтимизнинг барча гўшаларида кезмоқда.***

Халқимиз азал-азалдан ҳар қандай байрамни муносиб кутиб олиш, унга катта тайёргарлик кўриш анъанасига амал қилиб келади.

Жумладан, жорий йилнинг 16-17 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бутун республикамиз ва шаҳримизда кўтаринки руҳда, уюшқоқлик билан ўтди.

Азалдан ота-боболаримиз ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келган. Албатта, бу эзгу ишларни амалга оширишда халқимизга хос бўлган ҳашарнинг ўрни катта. Халқимизда "Ҳашар – элга ярашар", деган нақл бежизга таъкидланмайди. Зеро, зиёратгоҳларни орасталаб, ўтганлар руҳини шод этиш, ҳудудларни обод қилиш ўлмас қадриятларимиздан ҳисобланади.

Ўтган икки кун давомида ҳамшаҳарларимиз эрта тонгдан маҳалласини, ўзи истиқомат қилаётган турар жойи атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришни мақсад қилган ҳолда ҳашарда иштирок этдилар. Ҳашар давомида корхона ва ташкилотлар, истироҳат боғлари, маҳаллалар ҳудудларида, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофида, йўл ва йўлаклар, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар, каналлар, зовурлар, ариқлар, лотоклар, оқава сув йўллари ҳамда болалар майдончаларида кенг қамровли ободонлаштириш ва тозалаш ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимидан маълум қилишларича, шаҳримиздаги 475 та маҳалла фуқаролар йиғинларида умумхалқ хайрия ҳашари давомида бир миллиондан ортиқ аҳоли иштирок этди. Шундан олти юз эллик мингга яқини ёшлардир. 1156,9 гектар майдон ободонлаштирилиб, 1729 тоннага яқин қурилиш ва маиший чиқиндиларни ташкилий равишда тўплаш ва махсус жойларга чиқариб ташлаш ишлари амалга оширилди. 823 та эҳтиёжманд оилага, 262 нафар ногирон ва ёлғиз қарияларга моддий ёрдам кўрсатилди.

*(Давоми 3-бетда)*

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Фарғонада хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, манфаатларини ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Фарғона вилояти ҳудудий бўлими ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**• Қашқадарё вилояти маркази ва туманларида янги ўқув йили арафасида 123 та мактаб-ярмаркаси ташкил қилинди. Жорий йилнинг 10 сентябригача давом этадиган мактаб бозорида 26 турдаги зарур ўқув қуроллари ва жиҳозлар савдоси йўлга қўйилди.**

**• «Жиззах махсус индустриал зонасида яна бир лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу ерда «Ўзбекэнерго» ДАКнинг «Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ Жанубий Кореянинг "Owel Corporation» компанияси билан имзолаган битим асосида тежамкор электр ускуналари — светодиод лампалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётир. Янги қўшма корхонада йилига 2,5 миллион дона маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд.**

**• Наманганда «Соғлом оила» шиори остида ўтказилаётган оилавий спорт мусобақаларининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларидан ота-она, ўн икки ёшгача бўлган бир ўғил ва бир қиздан иборат олти оилавий жамоа иштирок этди.**

**• Наманган вилояти Уйчи тумани Жийдакапа қишлоғидаги «Vodiy ipak gilam» Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонасида миллий ҳунармандчилик технологиялари асосида гилам тўқиш йўлга қўйилди. Айни кунларда меҳнат жамоаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига муносиб тўёна сифатида тўқилаётган биринчи гиламни битказиш арафасида.**

### ЖАҲОНДА

**• Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Эбола безгагининг тарқалишини халқаро аҳамиятга эга хавф эканлигини эълон қилди. БССТ фавқулодда қўмитасининг Женевада ўтказилган йиғилишидан сўнг ташкилот экспертлари шундай қарорга келишди. Шунингдек, ушбу юқумли касалликнинг тарқалиши туфайли Либерия ва Сьерра-Леоне ҳукуматлари мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилишди.**

**• Массачусет технология институти олимлари кўриш имконияти чекланган инсонлар учун антиқа «Finger Reader» аудиоқурилмасини яратишди. Ушбу технология орқали эндиликда бундай инсонлар бемалол китоб ўқишлари мумкин. Ихчам кўринишдаги янги қурилма фойдаланувчининг бармоғига узук каби тақилади. Ундаги мавжуд сканер кичик камера кўз вазифасини ўтаб, синтезациялашган овоз матннинг мазмунини китобхонга етказади.**

**• Бир гуруҳ француз ва япон олимлари Японияning тимсоли ҳисобланмиш Фудзияма тоғи бағридаги яширин вулқон яна отилиб чиқишга тайёр эканлигини аниқлашди. Ушбу вулқон ҳаракатланадиган бўлса, тоғ бағридан миллиардлаб куб метр кул ва эриган тоғ жинслари отилиб чиқиши аниқ. Мамлакат маъмурлари ҳар эҳтимолга қарши аҳолини ҳушёрликка, лозим бўлиб қолган чоғда уй-жойларни ташлаб кетишга чақиришмоқда.**

# ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!















**Истиқлол, Ислоҳот, Истиқбол**

## ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ:
# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги имзоланган **«Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори ҳам шу йўлдаги саъй-ҳаракатларнинг узвий давом этаётганидан далолат беради. Шу Қарор асосида 2011 – 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур маъқулланди.

Мазкур Қарорга асосан, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти – Андижон машинасозлик институтига, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти – Наманган муҳандислик-технологик институтига, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти – Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига айлантирилди. Бу учала олий таълим муассасасининг янги йўналишида замонавий технологиялар сари модернизациялаш тамойили яққол кўриниб турибди.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2012 йил 17 февралда Тошкентда халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпланган бой тажриба билан кенг таништириш мақсадида **«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти»** мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

Унда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ,Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар қатнашди.

Конференция узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди. Мамлакатимизда фаол, ўз мақсади сари интилувчан, серқирра истеъдод ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда кўникмаларни эгаллаган – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни тарбиялаш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Конференциянинг очилиш маросимида Президентимиз «Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад» мавзуида нутқ сўзлади.

Конференциянинг якуний ҳужжати – резолюцияси қабул қилинди. Унда, жумладан, шундай сўзларни ўқиймиз: ***«Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг Ўзбекистон танлаган «ўзбек модели»нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди».***

Халқаро конференция иштирокчилари резолюцияда Ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича танланган ва муҳокама этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда тавсиялар қабул қилди.

2012 йил 28 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони, 24 июлда **«Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»**ги Фармони, 28 декабрда эса ана шу Фармонни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди. Шу тариқа мамлакатимизда бундан буён фан номзоди илмий даражаси берилмайдиган, фақат магистр ва фан доктори илмий даражаларини олиш учун диссертациялар ёқланадиган бўлди.

Бугунги кунда таълимнинг мактабгача тарбия, умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим, бакалавриат, магистратура ва фан доктори илмий даражасини олиш учун катта илмий ходим – тадқиқотчи деган узлуксиз босқичлари шаклланди.

Таълим соҳасини ислоҳ қилиш – давр талаби. Мамлакатимизда таълим муассасаларини замон талаблари асосида тинимсиз такомиллаштириб бориш сиёсати олиб борилялти. Бинобарин, 2012 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони имзоланди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига айлантирилди. 22 июнда шу Фармонни бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди. 2012 йил 4 июнида эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида»**ги Қарори қабул қилинди. Тошкент Давлат маданият институти ва Ўзбекистон Давлат санъат институти негизида ана шу янги институт ташкил этилди.

2012 йил 10 декабрида Президентимизнинг **«Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори имзоланди. Шу тариқа замон кун сайин таълим тизими олдига янги-янги вазифалар қўймоқда. Бугунги давр ҳар қандай малакали кадрдан чет тилини пухта билишни талаб этмоқда. 2013-2014 ўқув йилидан эътиборан чет тили мактабларнинг биринчи синфидан ўқитила бошланди. Ана шу ўқув йили бошлангунга қадар биринчи синфларга дарс берадиган барча чет тили муаллимларининг махсус малака ошириш курсини ўқиб битиришига эришилди.

Ўрни келгани учун бир қиёсни келтириб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил августида бўлиб ўтган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилган биринчи чақириқ IX сессиясида сўзлаган **«Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори»** деб номланган нутқида, жумладан, чет тилини ўрганиш билан боғлиқ қуйидаги дастурий мулоҳазаларини ўртага ташлаган эди:

«Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳам, албатта, бежиз эмас. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир.

Аммо шунга алоҳида урғу беришимиз зарурки, чет тилларни ўрганиш минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги керак...

Кечаги тарихимизда бизнинг ғарб тилларини ўрганишимизда она тилимиз эмас, асосан, рус тили воситачи бўлиб келди. Шунинг ҳисобига ҳозиргача, мисол учун, инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча луғатлар деярли йўқ...

Бундай заиф, ноўрин ҳолатларни тезда ўзгартириш, ўзбек боласига чет тилларнинг ажиб дунёсига бемалол кириши учун имкониятларни тўлиқ очиб беришимиз даркор.

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишнинг миллий асосдаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштиришимиз керак».

Орадан 15 йил ўтиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг айнан **«Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Қарори қабул қилиниши бизда таълим соҳасини ислоҳ қилишнинг тадрижийлиги ва изчиллигини яққол намоён этади.

Келтирилган факт ва далиллардан кўриниб турибдики, бизда фан ва таълим, таълим ва тарбия, таълим ва ишлаб чиқаришни бирга, узвий алоқадорликда олиб бориш анъанаси изчил йўлга қўйилган. Бу эса ўзининг самарали натижаларини бермоқда.

2013 йилнинг 20 – 23 ноябрь кунлари Тошкентда Осиё Қуёш энергияси форумининг 6-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иштирок этиш учун кўплаб хорижлик мутахассис, олим ва экспертлар мамлакатимизга ташриф буюрди. Бу йиғилишнинг айнан бизнинг юртимизда ўтказилгани бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган **«Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонига мувофиқ муқобил энергиядан фойдаланишни кучайтириш, бу борадаги илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилиш иштирокчилари Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида бўлиб, ушбу илмий муассаса фаолияти, бу ерда тадқиқотчилар учун яратилган шарт-шароитлар, Қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар, ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар билан атрофлича танишишди. Шунингдек, улар Самарқандга ташриф буюриб, Қуёш фотоэлектр станцияси лойиҳасининг тақдимотида иштирок этишди. Хорижликлар Ўзбекистонимиз муқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканини алоҳида таъкидлашди. Бу борада катта халқаро ҳамкорлик режалари тузилди.

Яна бир изчилликни айтиб ўтиш ўринли. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 сентябрдаги **«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»**ги Фармонида 1997 йилдан бошлаб 1 октябрни умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида нишонлаш белгиланди. 1997 йил августида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Кўп ўтмай ўша йили 1 октябрда мустақил мамлакатимиз тарихида илк бор Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Анъанага кўра, ҳар йили ана шу байрам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» Фармони асосида энг муносиб таълим-тарбия фидойиларига давлат мукофотлари берилади.

Мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишда қатъий амал қилиб келинаётган бир қоида шундан иборатки, биз жаҳоннинг бу борадаги илғор тажрибаларини тинимсиз равишда ўзлаштириб боряпмиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси фан ва таълим соҳаси мутахассисларини Ер юзининг етакчи илмий ва таълимий марказларига малака ошириш ҳамда стажировкага юбориб турибди. Бундан ташқари, мамлакатимизда кўплаб хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари фаолият олиб боряпти. Уларда ёшларимиз чет тилида жаҳоннинг илғор соҳаларини пухта-пишиқ ўзлаштириб, етук мутахассис бўлиб чиқяпти.

Яна бир қиёс бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил августида бўлиб ўтган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилган биринчи чақириқ IX сессиясида сўзлаган **«Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори»** деб номланган нутқи дастурий аҳамиятга эга, яъни унда қилинажак ишлар режалаштирилган, йўналишлар белгилаб берилган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 17 февралда Тошкентда **«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти»** мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда **«Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад»** мавзусида сўзлаган нутқи эса – маълум маънода, ҳисобот моҳиятига эга. Бу нутқдан ўтган 15 йил мобайнида қилинган ишларни билиб оламиз. Аммо замирида олдиндан режалаштириш бўлгани, аввал бу борада пухта-пишиқ, оқилона йўл танлангани ва изчил равишда унинг асосида илгарилаб борилаётгани ойдинлашади ҳам.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг 1 июлида қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»**ги Қарорида: ***«ҳеч шубҳасиз, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам фундамент яратиб бергани»*** алоҳида қайд этилган.

**Мустақиллик йилларида етук кадрлар тайёрлаш, бунинг учун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ниятида яратилган бу «мустаҳкам фундамент» ҳозирнинг ўзидаёқ тотли меваларини бера бошлади. Келажакда мамлакатимизнинг ҳамманинг ҳавасини келтирадиган юксак тараққиётига муҳим асос бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.**

**Олим МАҲМУДОВ**

Ҳашар – элга ярашар

# УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Ҳашар – халқимизнинг қадимий ва асл қадриятларидан. Унинг замирида ободлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат, бунёдкорлик мужассам, – дейди Чилонзор туманидаги "Новза" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мансур Сиддиқов. – Бугун маҳалламизда ҳам умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтди. Ҳашар кунлари ҳудудимизда 21 та ХУЖМШ ва 2 та ихтисослаштирилган компания хизмат кўрсатди. Маҳалламиздаги 52 та кўп қаватли уй йўлаклари, ертўлалари, ариқлар тозаланди, ободонлаштирилди. 2750 та дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Элликка яқин муассаса, фирма, ташкилотлар ўзларига бириктирилган ҳудудларда тозалаш ишларини олиб боришди. Ҳар бир таълим маскани, маҳалла ҳудуди чиқиндилардан холи қилинди...

Дарҳақиқат, ҳамшаҳарларимиз умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этишди. Ҳашар давомида ёши улуғ инсонларнинг бош-қош бўлиб ёшлар билан ҳамжиҳатликда амалга оширган ишлари қувонарли ҳолдир. Мазкур хайрия ҳашаридан кўзланган мақсад мустақиллик байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишдан иборатдир.

— Халқимизнинг тарихи минг йилликларга бориб тақалувчи қадимий қадриятларидан бири, бу ҳашардир, — дейди Тошкент шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти раиси Сардор Маҳкамов. — Аждодларимиз бу анъанани доимо улуғлаган. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, ҳар йили байрамларимиз арафасида умумхалқ ҳашарлари уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Ҳашар кунлари "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ўз ҳудуди ва "Болажон" маданият ва истироҳат боғида, туманлардаги қабристон ва зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишларини амалга оширди.

Барча таълим масканларида ҳам ҳашар кўтаринки руҳда ўтди. Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги «Белтепа» маҳалласида жойлашган 316-сонли мактабда ҳам ободонлаштириш ва тозалик ишлари уюшқоқлик билан олиб борилди.

— Умумхалқ ҳашарида барча баробар меҳнат қилиб, кўтаринки руҳда ҳамжиҳатлик билан ўтказилди, — дейди 316-сонли мактаб директори Мавлуда Умарова. — Ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун барча ходимлар зарур иш қуроллари билан таъминланиб, мактаб ҳовлиси атрофи ва ёнидаги кўчалар супурилиб, тартибга келтирилди. Мактабимиз ҳовлисида етти юздан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар бўлиб, уларнинг барчаси оқланди. Ариқ ва зовурлар турли чиқиндилардан тозаланди.

Ҳашарда мактаб ходимлари билан биргаликда юқори синф ўқувчилари ҳам фаол иштирок этишаётганига гувоҳ бўлдик.

— Мен қутлуғ байрам арафасида шаҳримиз ободлигига оз бўлса-да ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман, — дейди 316-сонли мактабнинг 9-синф ўқувчиси Рухсора Маҳмуджонова. — Мактабимиз атрофини тозалар эканман, таълим маскани бизнинг иккинчи уйимиз, уйимиз эса доим тоза-озода бўлиши кераклигини ҳис қилдим.

Шу тариқа азалий қадриятларимиздан бири бўлмиш умумхалқ ҳашари қизғин тарзда ўтказилиб, кўчалар, боғлар ва турли масканлар ҳуснига ҳусн қўшилиб, янада кўркамлашди, шаҳримиз бундан-да гўзал ва обод бўлди.

**Зиёда РАСУЛОВА,**
**Зафар НАЗАРОВ**
**Ислом Исмоилов олган суратлар**







# ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ЁШЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Бунёдкор» стадиони ва бу ерда ёш футболчиларни камол топтириш учун яратилган қулай шароит билан танишув фестиваль иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Мазкур маҳобатли стадион мамлакатимиз иқтисодиёти изчил ривожланиб бораётгани, халқимиз фаровонлиги ва ҳаёт даражаси янада ошаётганининг ёрқин далилидир.

– Истиқлол билан бирга туғилган йигит-қизлар йигирма уч ёшни қаршиламоқда, – дейди ЎзА мухбирига бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи Замира Саноқулова. – Улар озод юртнинг бахтли фарзандлари. Улар мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳар томонлама рўёбга чиқаришга қаратилган ҳаётбахш ислоҳотларнинг фаол иштирокчиларидир.

Унутилмас таассуротларга бой бўлган бундай фестиваллар ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига садоқат, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз тараққиётини таъминлаш йўлидаги эзгу ишларга рағбатлантириш, уларда турли соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлик, келажакка ишонч ва шукроналик туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Дилшод КАРИМОВ**

2014 йил — Соғлом бола йили

# БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

***Фарзандини оқ ювиб, оқ тараб, комил инсон этиб вояга етказиш халқимизнинг эзгу фазилатларидан. Истиқлол йилларида бу тамойил давлат сиёсати даражасига кўтарилди, мамлакатимизда оилага, ёш авлод тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор кўплаб давлатларда ҳавас уйғотмоқда.***

Бу борада миллий қонунчилик асослари яратилган ва изчил такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани белгиланган. Мамлакатимизда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси талаблари, Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга тўла татбиқ этилаётир.

Ёшларнинг таълим-тарбия олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши билан боғлиқ масалалар ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасаларнинг масъулиятини янада оширди.

Вояга етмаганларнинг тунги вақтда ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз интернет-кафеларда, кўнгил очиш ёки дам олиш жойларида бўлишига йўл қўймасликка оид меъёрнинг қонунчиликда белгилангани болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни миллий қадриятлар ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

– Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ички ишлар идоралари ва маҳаллалар ўртасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлими бошлиғи Исломиддин Холиқов. – 3,7 мингдан зиёд милиция таянч пункти ҳузурида ташкил этилган спорт майдончалари, факультатив тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари бунда муҳим омил бўлаётир. Болалар иштирокида турли профилактик тадбирлар мунтазам олиб борилаётгани, назоратсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаб, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилаётгани ўз самараларини бермоқда.

Ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият юритмоқда. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 200-умумий ўрта таълим мактаби ҳузурида ташкил этилган ёзги оромгоҳ юз нафарга яқин ўғил-қизни ўз бағрига олган.

– Оромгоҳда ҳар бир кунни мазмунли ва мароқли ўтказиш учун тегишли дастурлар ишлаб чиқилган, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши масъул ходими Абдурасул Абдуғаниев. – Болаларни соғломлаштириш дастури орқали улар тиббий кўрикдан ўтказилиб, саломатлигини тиклаши, спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган. Маънавий-маърифий кечалар ташкил этиш орқали болалар маънавиятини бойитиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртимиз учун муносиб фарзанд бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида ташкил этилган бундай оромгоҳлар фаолияти август ойининг охирига қадар давом этади.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

Маънавият

# ЧАНГ СОЗИНИНГ МОҲИР УСТАСИ

***Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бастакор Фахриддин Содиқов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Бўл менга маҳбуб» деб номланган адабий-мусиқий хотира тадбири уюштирилди.***

Фахриддин Содиқовнинг санъат соҳасидаги ярим асрлик меҳнат фаолияти серқирра, мазмундор, ижодий жиҳатдан ниҳоятда самарали бўлган. У чанг ҳамда дутор созларида беқиёс маҳорат билан куйлар ижро этган, мусиқашунослар эса унинг маҳоратига тасанно айтганлар.

Ўтган асрнинг ўрталарида Ф. Содиқов халқчил услубда оммабоп куй ва қўшиқлар басталашга қўл уради. «Ўзбекистон» радиоси олтин фондидан унинг 400 га яқин турли хил асарлари ўрин олган.

Улар ичида куй, қўшиқ, ашула ва яллалар асосий ўрин эгаллаган. «Ўзбекистон» радиоси учун яратилган «Чорлов» садолари аллақачон диёримизнинг ўзига хос мусиқий рамзига айланган, у неча-неча авлодлар руҳиятига таъсир кўрсатиб, дилларга қувонч бахш этиб келмоқда.

Санъаткор пойтахт мусиқали театрлари ҳамда Ўзбек давлат филармонияси халқ чолғу оркестрида чангчи, «Дуторчи қизлар» ансамблида мусиқа раҳбари, «Ўзбекистон» радиосининг «Мақом» ансамбли чангчиси ва мусиқа раҳбари бўлиб фаолият олиб борган. 1972 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Давлат консерваторияси шарқ мусиқаси кафедрасида устозлик қилган.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Темур Маҳмудов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Малика Зиёева ва шогирд санъаткорлар Беҳзод Сафаров, Достон Аҳмедов ва «Ниҳол» мукофоти совриндори Илёсжон Акбаровнинг қўшиқлари хотира кечасининг мазмунли ўтишини таъминлаб берди.

Шу куни «Бўл менга маҳбуб», «Зулайҳо бўлсанг», «Ҳаёсини кўринг», «Ўйна гулим» қўшиқлари, «Баёт-1», «Баёт-2», «Куйла дилкаш дуторим», «Баҳона қилиб», «Қаро зулфинг», «Мустаҳзод» ва «Бухоро мавригиси» каби куй ва қўшиқлар мусиқа шайдоларининг кўнгилларига бир олам хушнудлик бағишлади.

— Бундай тадбирларнинг доимий равишда ўтказилиши нафақат ёшларимизга маънавият кўзгуси, балки мусиқа шинавандалари учун маданий ҳордиқ чиқаришдир, — дейди Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг оммавий, маданий ва спорт тадбирлари бўйича бўлими етакчи мутахассиси Замира Қаюмова.

Фахриддин Содиқовнинг мусиқа соҳасидаги хизматлари беназир. Бундай санъаткорлар қолдирган бой маданий мерос асрлар оша халқимиз қалбида майин наво бўлиб таралиб туради. Зеро, мусиқа инсонларни фақат яхшиликка ва эзгу амалларга чорлайди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

***Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг Юсуфхона қишлоғида жойлашган «Чотқол» соғломлаштириш оромгоҳида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Чотқол дўстларни чорлайди» деб номланган анъанавий санъат фестивали ўтказилди.***

Ёз — 2014

# АНЪАНАВИЙ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб ташкил этилган тадбирга бир қанча мутасадди ташкилотлар вакиллари ва Бўстонлиқ туманида жойлашган «Металлург», «Ниҳол», «Ёшлик», «Гагарин», «Олимпиец» ва «Конструктор» болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг дам олувчилари таклиф этилди.

Байрамона безатилган майдонда ҳар бир оромгоҳнинг ижодий гуруҳ болалари ўзларининг ажойиб ижодий чиқишлари билан тадбирга янада кўтаринки кайфият улашдилар.

— Оромгоҳимизда ҳар мавсумда болаларни соғломлаштириш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун турли маданий, маърифий, кўнгилочар фестиваль ва спорт тадбирлари ўтказиб келинади, — дейди «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг катта тарбиячиси Гулбаҳор Қобилова. — Болаларни санъат орқали гўзаллик, эзгуликка чорлашга хизмат қиладиган, муҳим тарбиявий аҳамият касб этган мазкур фестиваль оромгоҳларда дам олаётган ўсмирлар қалбида Ватанга бўлган муҳаббатнинг янада юксалишига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, оромгоҳларда дам олаётган болалардан ташкил топган ҳар бир ижодий гуруҳнинг Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари ва ёш қизларнинг рақс гулдасталарию бадиий гимнастика бўйича чиқишлари йиғилганларни ўзига жалб қилмай қолмади.

Қолаверса, ушбу фестиваль доирасида «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида уч мавсум давомида фаолият юритган тўгараклар томонидан тайёрланган болаларнинг ижодий ишлари кўргазмаси намойиши ҳам бўлиб ўтди.

— Мен ушбу оромгоҳда дам олаётганимдан ниҳоятда хурсандман. Чунки, бу ерда янги дўстлар орттириб, миллий қадриятларга бой бўлган турли ўйинларни ўргандим, — дейди Яккасарой туманидаги 127-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Гулмира Шамсиева. — Оромгоҳда болаларга керак бўладиган барча шароитлар яратилган. Жумладан, кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси, чўмилиш ҳавзалари, спорт майдонлари ва турли тўгараклар мавжуд.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ёш авлод орасида соғлом турмуш тарзини, ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик туйғуларини ривожлантириш ҳамда таътил вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишларини таъминлашдан иборатдир.

Тадбир сўнгида фестивалнинг энг фаол иштирокчилари «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи маъмурияти томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Зухриддин АБДУЛЛАЕВ**

UZTELECOM

ҲУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!
Телекоммуникация тармоқларини оптималлаштириш ва кўрсатилаётган алоқа хизмати сифатини ошириш мақсадида, Марказий телефон боғламаси тасарруфидаги 221/224/220 ЭАТС лар бўйича – Ҳасанбой мавзеси ва унга яқин кўчалар, берк кўчалар ва тор кўчалар манзилида 18 дан 27 августга қадар перфекс рақамларни янги ускуналарга қайта улаш ишлари олиб борилади.
Ушбу ишлар жараёнида алоқада қисқа узилишлар бўлиши мумкин, келтирилган ноқулайликлар учун олдиндан узр сўраймиз.
Маълумот учун телефон: 224-21-70
АК «Ўзбектелеком» «ТШТТ» филиали

